ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ФАРХОД УМИРОВИЧ

КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 378.016:355.23

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

	Умаров Фарход Умирович Комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий
	етенцияларини ривожлантириш
7	Умаров Фарход Умирович
]	Развитие профессиональных компетенций будущих офицеров на основе
комп	лексного подхода24
1	Umarov Farhod Umirovich
]	Develop professional competencies of future officers on the basis of complex
appro	each44
,	Эълон қилинган ишлар рўйхати
	Список опубликованных работ
]	List of published works48

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ФАРХОД УМИРОВИЧ

КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped1677 раҳам билан руйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сахифасида (www.tdpu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Халиков Аъзамжон Абдусаломович педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хакимова Мухаббат Файзиевна педагогика фанлари доктори, профессор

Самаров Рустам Садриддинович фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.2020.Ped.26.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил соат 200 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100011, Тошкент шахри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-80-86 Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1433) ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шахри,

Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2021 йил " 9 " Сент чол куни тарқатилди. (2021 йил " 9 " 09 даги 18 - рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Абдуллаева Илмий даражалар берувчи илмий кенгай рамст и.ф.д., проф.

VA INNOVATSIYALAR
ВО'YІСНА И ПОПИТИТЕЛЬНЫЙ КОТИБИ, П.Ф.Н.,
доцент

Н.А.Муслимов Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда АҚШ, Европа иттифоки мамлакатлари, Буюк Британия, Хитой Халк Республикаси, Россия Федерациясининг етакчи илмий марказлари олий ва муассасаларида бўлажак офицерларнинг компетенцияларини ривожлантириш ва бахолаш, харбий таълим тизимини модернизациялаш, жамият талабларига мувофиклаштириш, компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари, таълим жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган инновацион ғоялар амалиётга татбиқ этилмоқда. Ҳарбий таълимнинг мазмуни, методлари ва ўкув-услубий таъминотини такомиллаштириш, амалиётга йўналтириш, хизмат ва кундалик фаолият сохаси билан ўзаро боғликлик асосида ўкув жараёнини ташкил этиш, ижтимоий ва касбий муаммоларни тадқиқ этадиган вазифалар ва вазиятларни хал қилишда мустақил ишларнинг нисбатини ошириш, мониторингини олиб боришга алохида эътибор қаратилмоқда.

Жахонда харбий мутахассисларнинг касбий компетенцияларини миллий қадриятлар асосида ривожлантириш, технологик, мухандислик, тадқиқотчилик, ташкилий, бошқарув ва ишлаб чиқариш хамда педагогик компетенцияларнинг методологик жихатларини такомиллаштириш, бўлажак офицерларни харбий тарбиялаш бўйича илмий изланишлар ватанпарварлик рухида оширилмокда. Шунингдек, бўлажак офицерларнинг касбий компетенциясини ўзаро қиёслаш, интерфаол ривожлантириш моделларини медиатехнологиялар асосида ташкил этиш, харбий таълим тизимини илғор технологиялар ёрдамида модернизациялаш, ЎКУВ замонавий педагогик технологияларни татбик килиш долзарб ахамият касб этмокда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Олий ҳарбий касб таълими тизимида бўлажак офицерларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш, уларни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш, педагогик ёндашувлардан самарали фойдаланиш, унинг сифатини назорат қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. Офицер кадрларни тайёрловчи олий ҳарбий таълим муассасаларининг моддий техник базаси мустаҳкамланди. «Давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш; фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш» вазифалари белгилаб берилган. Натижада, юқори касбий компетенцияга эга бўлган офицерлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг билим, кўникма, малакаларини тизимли тарзда ривожлантириш, Қуролли кучлар сафларини мустаҳкамлашга қодир бўлган офицерларнинг хизмат кўламини кенгайтириш имкониятларини излаб топиш зарурияти вужудга келди.

_

 $^{^1}$ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРК-458-сон "Узбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўгрисида", 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон "Таълим тўгрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида", 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиклаш тўгрисида" ги фармонлари, 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сон "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўгрисида"ги Қарори, Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон "Ёшларни харбий-ватанпарварлик рухида тарбиялаш концепциясини тасдиклаш тўғрисида"ги Қарори хамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат килади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг І. "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. "Компетенция" "компетентлик" тушунчаларининг мазмун-мохиятини ўрганиш ва тахлил қилиш масалалари республикамизда Ю.М.Асадов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Джураев, Х.А.Маматқулов, А.Х.Махмудов, Б.Б.Маъмуров, Н.А.Муслимов, М.Мирсолиева, О.Мусурманова, Р.Сафарова, М.Усмонбоева, Б.Х.Ходжаев; олий харбий таълим тизимида харбий хизматчиларни тарбиялаш жараёни ва унга қўйиладиган дидактик талаблар Ш.А.Акрамова, 3.Ш.Алимардонов, Г.А.Асилова, Б.М.Неъматов, С.Отамуратов, С.Ю. Ахроров, Р.С.Самаров, К.Х.Усмонов, У.С.Темирова, Б.Тўйчиев, А.Т.Хасанов, Г.М.Эргашева, Б.Э.Эргашев ва Н.Ж.Эшнаев каби файласуф, социолог, педагог, психолог олимлар томонидан тадқиқ этилган.

мутахассисларнинг касбий Бўлажак харбий компетенцияларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш учун зарур сифатларни шакллантириш, бахолаш масалалари Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги (МДХ) олимларидан С.Н.Анисифоров, Ю.И.Антонов, А.Н.Астафьева, А.В.Барабанщиков, В.В.Богуславский, С.В.Буг, Е.А.Бударин, В.И.Варваров, М.А.Богданов, Г.А.Волковицкий, Т.Н.Герасимова, В.И.Гонца, Ю.Б.Горовой, А.Н.Григорьев, В.Н.Гришай, О.В.Добровольсков, Л.В.Доломанюк, С.А.Дочкин, О.В.Евтихов, С.И.Зимин, В.Б.Капустин, Е.П.Киреева, А.П.Комаров, В.И.Коровай, Т.С.Купавцев, В.Ф.Лазукин, М.А.Лямзин, А.Р.Манукян, В.П.Масягин, Д.В.Мещеряков, В.А.Митрахович, В.Г.Михайловский, В.В.Неижмак, П.М.Нечай, А.А.Новиков, И.В.Овсянников, В.Н.Однокопытный, Н.В.Пахомова, С.Н.Полупан, В.А.Рябикин, В.А.Федоренко каби педагог ва психолог олимлар томонидан ўрганилган.

Хорижлик олимлар Y.Doll, R.J.Mirabile, D.B.Raeven, M.Stephenson, S.P.Huntingtonлар миллий офицерларни касбий тайёрлаш бўйича илмийтадқиқотлар олиб боришган.

Диссертация тадкикотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадкикот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация тадкикоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадкикот ишлари режасининг «Таълим мазмунини модернизациялаш асосида ўкувчилар касбий компетенцияларини шакллантириш технологиялари» мавзусидаги амалий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогика назарияси ва амалиётида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш муаммосининг амалдаги холатини тахлил килиш ва ўзига хос педагогик-психологик йўналишларини белгилаш;

комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш мазмуни ва уни танлаш принципларини аниклаш;

бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш жараёнида мустақил билим олишларини ташкил этиш йўллари, вазиятларини белгилаш ҳамда педагогик жараён моделини такомиллаштириш;

комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерлар касбий компетенцияларининг ривожланганлигини бахолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниклаш хамда экспериментал тадкикот натижалари асосида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чикиш.

Тадкикотнинг объекти сифатида комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён танлаб олиниб, тажриба-синов ишларида Ўзбекистон Республикаси олий харбий авиация билим юрти, Қуролли Кучлар Академияси хамда Чирчик олий танк кўмондонлик-мухандислик билим юртининг 223 курсантлари ва профессор-ўкитувчилари иштирок этган.

Тадкикотнинг предметини комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадкикотнинг усуллари. Тадкикот ишида ихтисослаштирилган адабиётларни ўрганиш, киёсий тахлил, педагогик кузатув, ижтимоий усуллар (анкета, сухбат, интервью); сўровлар, тест, педагогик эксперимент ва математикстатистик тахлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак офицерларда жараён, натижалилик, бахоланиш каби педагогик мотивацияси омиллари воситасида касбий компетенцияларини тизимли ривожлантириш жараёни модели шахсга йўналтирилганлик, ўз-ўзини

ривожлантириш принципларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг ҳарбий-касбий, акмеологик, норматив-ҳуқуқий, психологик-педагогик, маънавий-ахлокий компонентлари уларни амалий кўллаш тажрибаси ва мотивацияси, касбий вазифаларни муваффакиятли ҳал қилишга имкон берадиган интеллектуал, мотивацион ва фаолиятли жараёнлар билан ички интеграллашув даражаси орқали шахсий фазилатларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида такомиллаштирилган;

бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш боскичлари ва фанга оид информацион, операцион-фаолиятли, шахсий-бошкарув компонентлари таркиби комплекс ёндашувнинг педагогик, дидактик ўзига хос хусусиятлари, шахснинг билиш фаолияти, маънавий эхтиёжларини хисобга олиш, маданий дунёкарашини бойитиш, ўз-ўзини ривожлантириш, тадрижийлик ва фаолиятли-мотивацион иерархик муносабатларни ўзаро мувофиклаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш самарадорлигига таъсир қилувчи мустақил билим олишларини ташкил этиш йўллари, вазиятларини белгилаш, ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, рефлексив бошқарув ҳарбий-педагогик-психологик, технологик, диагностик ва касбий омилларининг ўзаро интеграциялашув жараёнларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

"Харбий таълим"нинг давлат таълим стандартида умумкасбий ва ихтисослик таълим соҳаси бўйича бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган малака талаблари такомиллаштирилган;

олий ҳарбий таълим муассасалари ҳарбий таълим йўналишида ўқитиладиган "Тактик-махсус тайёргарлик" ўқув фанларининг ишчи ўқув дастурлари ҳамда ўқув-методик мажмуалари компетенциявий ва комплекс ёндашув асосида такомиллаштирилган;

комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерга касбий фаолиятни муваффакиятли амалга ошириш учун зарур бўлган касбий компетенцияларни ривожлантириш дастури ишлаб чикилган ва боскичма-боскич амалиётга татбик этилган;

комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларни касбга йўналтириш учун зарур бўлган мотивлар тизими ҳамда шахсий фазилатларни ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадкикот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги, ҳулоса, таклиф ва

тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадкикот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадкикот илмий бўлажак офицерларнинг касбий натижаларининг ахамияти ривожлантиришга йўналтирилган муайян компетенцияларини педагогик фаолият, касбий компетенциялар даражасини бахоловчи мезонлар, такомиллаштирилган жараён модели хамда ушбу моделни амалга ошириш учун ишлаб чикилган дастурнинг харбий педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилганлиги хамда таклиф ва тавсиялардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан компетенциявий ёндашувга асосланган ўқувтарбия жараёнида бўлажак офицерларнинг компетенцияларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган модел ва дастурдан ҳарбий соҳаларда мутаҳассисларни тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш мавзусида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак офицерларнинг умумкасбий ва ихтисослик сохасига оид касбий компетенциялари тизимини комплекс ривожлантиришга йўналтирилган моделини такомиллаштиришга таклифлардан жараён доир Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 05-961-сон қушма қарори билан тасдикланган "Харбий таълим" таълим йўналишининг давлат таълим стандарти талабларини шакллантиришда фойдаланилган малака вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 25/10/1036-сон маълумотномаси). Натижада мазкур давлат таълим стандарти ва малака талаблари олий харбий таълим муассасалари ўкув режалари ва дастурлари, методик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

курсантларнинг касбий компетенцияларини ўкув мавзулари кесимида боскичма-боскич ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялардан ИТД-166 рақамли "Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси" мавзусидаги амалий доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3677-сон маълумотномаси). Натижада курсантлар ўкув режаси ва ўкув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий харбий авиация билим юрти ўқув-тарбиявий жараёнининг методик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминоти интегратив-ижодий топшириклар, визуал симуляция (тасвирли, намойишли, интерфейсли) ва интерактив моделлаштириш имкониятлари ва амалийтехнологик хусусиятларини такомиллаштириш хамда бўлажак офицерларда

касбий компетенцияларни шаклланганлигини бахолаш мезонлари ва диагностик технологиялари параметрларига оид таклифлар "Харбий психология ва педагогика. Ахборот хавфсизлиги психологияси" ўкув кўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 15 августдаги 718-сон буйруғи, Рўйхатга олиш рақами №718-087). Натижада бўлажак офицерлар тайёрловчи таълим муассасалари курсантларини билим сифатини ошириш имконияти яратилган.

Тадкикот натижаларининг апробацияси. Тадкикот натижалари 4 та халкаро ва 2 та республика илмий-амалий конференциясида мухокамадан ўтказилган.

Тадкикот натижаларининг эълон килиниши. Диссертация мавзуси буйича жами 10 та илмий иш, шулардан, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, шундан, 3 та республика, 1 та хорижий журналда макола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мухим йўналишларига мослиги кўрсатилган хамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий ахамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг "Комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг назарий асослари" деб номланган биринчи бобида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини комплекс ёндашув асосида ривожлантириш муаммоси ижтимоий-педагогик зарурият сифатида асосланган. Комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларда касбий компетенцияларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик йўналишлари ёритиб берилган, бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг мавжуд холати тахлил қилинган.

Педагогика энциклопедиясида комплекс ёндашув тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: "Комплекс ёндашув (лот. complexus – алоқа, боғланиш; қушиб, қамраб олиш) бир бутунни ташкил қилувчи нарсалар, ходисалар, белги-хусусиятлар мажмуи, йиғиндисига яхлит тарзда ёндашишни ифодаловчи тушунча".

Ватан ҳимоячилари ҳисобланган ҳарбий кадрларнинг ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун етарли билим ва кўникмаларни ҳосил ҳилиш

яхлит педагогик тизимни ташкил этишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қиладиган офицерларнинг ҳар томонлама ривожланишлари, касбий маҳоратга эга бўлишлари учун ҳарбий таълим жараёнида етарли асос яратилади.

Педагогика фани назарияси ва амалиётида "компетентлик" ва "компетенция" тушунчалари бир вактда кўлланилмокда. Компетенция таълим олувчиларнинг тайёргарлигига аввалдан кўйилган талабларни англатса, компетентлик шахснинг мавжуд сифатлари ва эгаллаган соҳасига муносабати, ўзлаштирган тажрибаси билан белгиланади.

Компетенциявий ёндашув бўлажак офицерларнинг стандарт хамда ностандарт вазиятларда тўғри харакатланишини таъминлайди. Харбий мутахассисларни тайёрлаш жараёнининг педагогик тавсифини яратиш имконини беради. Ушбу жараёнга комплекс ёндашиш учун қулай шароит яратади.

Касбий компетенция деганда маълум бир қадриятлар, идеаллар ва касбий онгнинг ташувчиси сифатида фаолият, алоқа ва шахсиятни шакллантиришни аниклайдиган зарур билим, кўникмаларга эгалик тушунилади. Биз касбий компетенцияни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув жараёнида шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутдик. Ўқув жараёни таркибига қуйидагилар киради: ўқув жараёнида тўпланган ва аста-секин шахснинг юқори сифатли касбий тажрибасига айлантириладиган билим, кўникма ва касбий фаолият тажрибаси; бўлажак офицернинг шахсиятини белгилаб берувчи мотивлар, қизиқишлар, эҳтиёжлар ва индивидуал қадриятлар; ҳарбий вазиятга мос келадиган қарорлар қабул қилишга имкон берадиган шахсий сифатлар тизими.

Олий ҳарбий таълим муассасаси ўқитувчиларининг педагогик амалиётини таҳлил қилиш ўқув жараёнини ташкил этишнинг энг муҳим томонларини аниқлашга имкон беради (1-жадвалга қаранг).

Бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни самарадорлигини оширишни комплекс ёндашув, тизимли ёндашув ва изчиллик принципларига мувофик тарзда ташкил этиш сифатини ошириш шартларидан биридир. Тадкик жараённинг самарадорлигини ошириш муаммоси комплекс хусусиятга эга бўлиб, унинг ечими қуйидаги омилларга боғлиқ: ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича меъёрий ва ўкув-услубий хужжатларнинг сифати; курсантларни харбий мутахассисликни эгаллашга ундовчи самарали ишлайдиган профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионаллиги мавжудлиги; (махорати); замонавий ўкитиш технологияларининг мавжудлиги; ўкув-моддий базанинг таркиби; самарали назорат (бахолаш) тизими; ўкув жараёнини рационал ташкил этиш (назарий, амалий ва дала ўкув машғулотларининг нисбати); қушин стажировкасини (амалиётларни) утказиш жойлари ва булажак офицерлар лавозимларининг харбий ихтисосликка мувофиклиги; курсантларни харбий жамоага жалб қилиш холати.

Комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш жараёнига кўйиладиган талаблар

 Дар ойр дареда укув вазяфалари кунилиший аниклий (лунда, равшан), тал вактидан окилона фойдаланиш учун кураш. Индивидуал топшириклардан фойдаланиш. Укитувчининг машғулотларда юзага келадиган янги, кутилмаган вазиятларга тайёрлиг. Дарсларни юкори даражада ташкил этиш. Дарснинг асосий ва якуний қисмидан мақсадли фойдаланиш. Укув материалининг илмий ва асосланган такдимоти. Укитувчининг шахсий хатти-харакати (унинг такдим этиладиган ўкув материалига бў муносабати, курсантлар ўзлаштиришлари керак бўлган харакатларнинг наму 	лган
 Ўқитувчининг машғулотларда юзага келадиган янги, кутилмаган вазиятларга тайёрлиг Турли хил вариатив ўқитиш усулларини амалга ошириш. Дарсларни юқори даражада ташкил этиш. Дарснинг асосий ва якуний қисмидан мақсадли фойдаланиш. Ўқув материалининг илмий ва асосланган тақдимоти. Ўқитувчининг шахсий хатти-ҳаракати (унинг тақдим этиладиган ўқув материалига бў 	лган
 Турли хил вариатив ўкитиш усулларини амалга ошириш. Дарсларни юкори даражада ташкил этиш. Дарснинг асосий ва якуний кисмидан максадли фойдаланиш. Ўкув материалининг илмий ва асосланган такдимоти. Ўкитувчининг шахсий хатти-харакати (унинг такдим этиладиган ўкув материалига бў 	лган
 5. Дарсларни юқори даражада ташкил этиш. 6. Дарснинг асосий ва якуний қисмидан мақсадли фойдаланиш. 7. Ўқув материалининг илмий ва асосланган тақдимоти. Ўқитувчининг шахсий хатти-ҳаракати (унинг тақдим этиладиган ўқув материалига бў 	
 Дарснинг асосий ва якуний қисмидан мақсадли фойдаланиш. Уқув материалининг илмий ва асосланган такдимоти. Уқитувчининг шахсий хатти-ҳаракати (унинг такдим этиладиган ўқув материалига бў 	
7. Ўқув материалининг илмий ва асосланган такдимоти. Ўқитувчининг шахсий хатти-ҳаракати (унинг такдим этиладиган ўқув материалига бў	
Ўқитувчининг шахсий хатти-ҳаракати (унинг тақдим этиладиган ўқув материалига бў	
9 NATIONAL TO PRODUCTION VOTOR VOTOR STATE OF THE VOTOR O	
8. муносабати, курсантлар ўзлаштиришлари керак бўлган харакатларнинг наму	нали
намойиши).	
9. Харбий хизматчилар ўртасида рақобат элементларини киритиш (айниқса машқла	рва
у. тренажлар (тренировкалар) ташкил қилишда).	
10. Курсантларни дарсдаги хатоларни тузатишга жалб қилиш.	
11. Офицерлар ва курсантларнинг ўкув фаолиятига бўлган муносабатига реакцияси (асосл	и ва
асоссиз гаплари, лукма ташлаш (гап кистириш) саволлар ва х.к.).	
12. Тўғридан-тўғри талаб – дарсда белгиланган хатти-харакатлар қоидаларидан	етга
чиқмаслик, курсантларнинг муваффақиятсиз ҳаракатлари сабабларини аниқлаш.	
13. Машғулотлар давомида ўзаро назоратни ташкил этиш, ўкув машғулотларида курсан	тлар
ишларининг маълум бир суръатини таъминлаш.	
14. Курсантларни тайёрлаш сифатини оширишни таъминлашга имкон берадиган ил	иий-
услубий хужжатларнинг сифатини таъминлаш.	

Экспериментал олий харбий таълим муассасалари кумондонлиги ва профессор-ўкитувчилари таркиби ўртасида ўтказилган сўров натижаларини шуни кўрсатдики, бўлажак офицерларнинг тахлил килиш компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни самарадорлик даражасининг пастлиги бир қатор омилларга боғлиқ. Улар: мавжуд ўқув-моддий база ва харбий-техник мулкнинг суст ривожланганлиги, замонавий талабларга номувофиклиги ва ресурсларнинг эскирганлиги техник машғулотлари учун керакли бўлган махсус дастурий таъминотнинг етарли эмаслиги (10%); жанговар вазиятни симуляция қилишнинг автоматлаштирилган воситалари йўклиги (50%); курсантларнинг ностандарт вазиятларда лавозим мажбуриятларини бажаришлари учун талаб этиладиган ахлокий-психологик тайёргарлиги, фаоллиги ва мустакиллигининг етарли эмаслиги (20%); махсус тактик машғулотлардан олдин ўтказиладиган дала амалий машғулотларининг етарли эмаслиги (30%); турли кафедралар томонидан машғулотлар ўтказишда вазифалар ва саволларни ишлаб чикишда комплекс ёндашувга таянилмаганлиги (15%); курсантларни ўкитиш ва тарбиялаш назарияси ва амалиётини ўрганиш учун харбий кафедраларнинг имкониятларидан тўлик фойдаланилмаслиги курсантларнинг мустақил тайёргарлигидан ўз вақтида оқилона (10%): фойдаланилмаслиги (25%); курсантларнинг назарий ва амалий машғулотлари орасида номутаносибликнинг мавжудлиги (10%); табиий ва гуманитар фанлар кафедраларида маълум фан ва предметларни ўрганишда харбий-касбий йўналиш тамойилининг талаблари тўлик бажарилмаслиги (14%).


Амалга оширилган тахлилда асосий эътибор таълим-тарбия бериш оркали касбий компетенцияларини шакллантириш офицерларнинг ривожлантириш самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи асосий йўналишлар, имкониятларни аниқлашга шароит қаратилди. Тадкик килинаётган жараённинг қийинчиликлари ва зиддиятларини аниклаш; замонавий шароитларда унинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш; курсантларда комплекс ёндашув асосида касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнининг сифатини ошириш бўйича аник услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чикиш хамда амалга ошириш такозо килинди.

бўлажак Тадкикот ўтказиш давомида офицерларнинг касбий компетенцияларини шидитналжовид сифати (натижаси)нинг куйидаги омилларга (шартларга) боғлиқлиги аниқланди: ўкитувчиларнинг касбий компетентлиги, тайёрлиги даражаси; олий харбий таълим муассасаси ўкувмоддий базасининг холати (замонавий техник воситалар, жанговар вазиятларни симуляция килишнинг автоматлаштирилган комплекслари, дастурий таъминот бошқалар билан жихозланиши); олий харбий таълим муассасалар курсантларининг ўз касбий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган мотивацияси, хабардорлиги ва масъулиятлилик даражаси; машғулотларда курсантларнинг бўлажак касбий фаолиятини моделлаштириш; курсантларда касбий компетенцияларни ривожлантириш жараёнига замонавий таълим (ўқитиш) технологияларини татбиқ қилиш даражаси; бўлажак офицерларда касбий компетенцияларни ривожлантириш жараёнининг изчиллиги ва максадга мувофиклиги.

Диссертациянинг иккинчи боби "Комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш параметрлари" деб номланиб, унда комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш мазмуни ва уни танлаш принциплари, педагогик жараён модели, бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш жараёнида мустақил билим олишларини ташкил этиш йўллари ёритиб берилган.

Амалга оширилган тадқиқот давомида экспериментал олий ҳарбий таълим муассасалари қумондонлиги ва профессор-уқитувчилар таркибининг касбий тўғрисидаги фикрлари аниқланди. компетентликнинг иткихом респондентларнинг 29,3%и "касбий компетенция" тушунчасининг мазмунини касбий билим, кўникма ва малакалар билан боғлайди; 39%и - касбий компетенция офицернинг билимлари, кобилиятлари ва махоратлари, шахсий фазилатларини жамлайди; 31,7%и - касбий компетенция билим, кўникма ва малакаларнинг фаол намоён бўлишини, фаолиятни, ижодий мураккаб шароитларда қарор қабул қилиш қобилиятини тақозо қилади, деб хисоблашади.

Ўтказилган диссертация тадқиқоти шуни кўрсатадики, бўлажак офицерларнинг касбий компетентлиги мураккаб таркибий тузилма сифатида қуйидагича ифодаланиши мумкин (1-расм).



1-расм. Бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигининг компонентлари

Касбий компетенция бўлажак офицернинг тайёрланиши ўкишнинг бир боскичида шаклланган оралиқ компетенциялардан xap синтезланади. Ишнинг концепцияси куйидаги ёндашувга асосланди. Офицерни тайёрлаш максадларидан ва унинг фаолиятининг асосий турларидан келиб чиққан холда битирувчининг компетенцияларини таркибий қисмларга ажратиш, уларни олий харбий таълим муассасаси курсантини тайёрлаш боскичлари билан таққослаш ва курсантни ўкиш йиллари бўйича уларнинг шаклланиш моделини такомиллаштириш.

Олий харбий муассасаси бўлажак офицерининг касбий таълим ривожлантириш моделида мустақил харбий-касбий компетенцияларини фаолиятни самарали амалга ошириш учун бўлажак офицерга керак бўлган қуйидаги компетенциялар белгиланди: Ижтимоий, психологик компетенциялар (ИПК) – турли ижтимоий гурухлар ва хаётий вазиятларда амалга ошириладиган эришишни жараёнида юкори натижаларга фаолият таъминловчи компетенциялар. Командирлик (бошқарув) компетенциялар (К(Б)К) – олий харбий таълим муассасаси битирувчисига ташкилий-бошкарув фаолиятини самарали олиб бориш ва эришилган натижаларни бахолаш имкониятини берадиган Профессионал-ихтисослаштирилган компетенциялар. компетенциялар (ПИК) – ихтисослиги буйича билимларни амалиётда куллашга имкон берувчи, янги билимларни ўзлаштиришга қаратилган тизимли билиш фаолиятига хисса қушадиган компетенциялар.


Харбий-махсус компетенциялар (ХМК) — вазифаларни функционал мақсадларига мувофиқ равишда ҳал қилишга касбий йўналтирилган компетенциялар.


Олий ҳарбий таълим муассасаси бўлажак офицерининг касбий ривожлантириш моделини ишлаб чикиш компетенцияларини принциплар асосида амалга оширилди: курсантларни ўкитиш ва тарбиялашга табақалаштирилган ва индивидуал ёндашиш; курсантларнинг онглилиги, фаоллиги ва йўналганлиги; таълим ва тарбиянинг ижтимоий-илмий характерга эгалиги; курсантларни тайёрлашда амалий йўналганлик; ўкитиш ва тарбиялашда тизимлилик ва изчиллик; таълим вазифаларининг кўп даражалиги; таълим ва тарбиянинг яхлитлиги.

Бўлажак офицернинг касбий компетенцияларини ривожлантириш модели икки блокдан иборат: таркибий-функционал ва операционал-натижали (2-расмга каранг). Моделни амалга ошириш учун олий харбий таълим муассасаси ўкув жараёнида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш дастури ишлаб чикилган бўлиб, у бошкарув, бахолаш ва тузатиш функцияси билан касбий компетенцияларни ривожлантиришни таъминлайдиган шакллар, методлар ва воситаларнинг ўзаро таъсир механизмини очиб беради. Жумладан: ўкув жараёнининг харбий-касбий йўналишга эга бўлишини таъминлаш; бўлажак офицернинг касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг максад ва вазифаларига мувофик равишда курсантларни ўкитиш, тарбиялаш, шахсини ривожлантириш жараёнларини амалга ошириш; курсантларнинг шахсий ва гурух доирасидаги муносабатларининг хусусиятларини хисобга олиш; касбий компетенцияларни самарали ривожлантириш учун ўкув жараёнининг назарий ва амалий таркибий кисмларини уйғунлаштириш.

Амалга оширилган кузатишлар шуни кўрсатдики, касбий компетенцияни ривожлантириш максадида бўлажак офицерларнинг мустакил билим олиш жараёнини фаоллаштиришнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат: курсантга педагогик таъсир кўрсатиш тизимини ривожлантириш мақсадида унинг индивидуал психологик хусусиятларини аниклаш; курсант бўлинмалари ахлокий ва психологик МУХИТНИ жамоаларида СОҒЛОМ шакллантириш; келажакдаги касбий фаолият мотивациясини шакллантириш ва ривожлантириш; курсантларнинг мустақил ишини юқори даражада ташкил этиш; харбий ва махсус тайёргарлик жараёнида курсантлар томонидан индивидуал ижодий вазифаларни бажаришни йўлга қўйиш; курсантларнинг мустақил илмий изланишларини ташкил этиш, ўз фаолиятини режалаштиришга ўргатиш; курсантларни илмий-тадкикот фаолиятига жалб килиш. Курсантларнинг мустақил иши бир қатор функцияларни бажаради: ўз-ўзини англаш – янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш; мустакил ўкиш – ўз вазифасини бажариш учун зарур тажрибаларни тўплаш, индивидуал мустақил фаолият кўрсатиш учун малакаларни ўзлаштириш; ўз-ўзини тарбиялаш маълум кўникма ва билимларни шахсий эътикодга айлантириш ва касбий хамда фазилатларни шакллантириш; ўз-ўзини ривожлантириш – билим, кўникма ва малакаларнинг янги сифат даражасига ўтиши.

Диссертациянинг "Комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш жараёни самарадорлиги" деб номланган учинчи бобида комплекс ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ва тажриба-синов ишларининг статистик тахлили ифодаланган.





2-расм. Комплекс ёндашув асосида бўлажак офицернинг касбий компетенцияларини ривожлантириш модели

Тажриба-синов ишлари Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти, Қуролли Кучлар Академияси ҳамда Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари орасида ташкил этилди. Курсантларга ташкил этиладиган тажриба-синов ишларининг мазмуни, мақсад ва вазифалари тушунтирилди. Тажриба-синов ишларида 60 нафар профессор-ўкитувчилар ва 220 нафар курсантлар қатнашдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясидан 60 нафар, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юртидан 60 нафар курсант ва Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртидан 103 нафар курсант.

Педагогик экспериментнинг мақсади қуйидагилардан иборат этиб белгиланди: тадқиқ қилинаётган жараёнга комплекс педагогик таъсир чоралари самарадорлигини текшириш; ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлашнинг асосий усуллари ва шартларини асослаш.

Педагогик эксперимент ўзаро боғлиқ бўлган учта босқичда ўтказилди: таъкидловчи, шакллантирувчи ва якуний.

Танлаб олинган олий таълим муассасалари курсантлари тажриба ва назорат гурухларига ажратилди. Уларнинг олий харбий таълим муассасалари бўйича таксимланиши 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

Танлаб олинган олий таълим муассасалари курсант ва талабалари тажриба ва назорат гурухларига ажратилиши

№	Олий таълим муассасалари	Жами респондентлар сони	Тажриба гурухи	Назорат гурухлари
1.	Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти	60	29	31
2.	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси	60	30	30
3.	Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти	103	52	51
	Жами	223	111	112

Назорат гурухида анъанавий ўкув дастуридан фойдаланилган бўлиб, унда ўкитувчилар таркибига аник белгиланган компетенцияларни шакллантириш бўйича кўрсатма берилмаган. Экспериментал гурухда иш диссертацияда таклиф этилган ёндашувлар асосида олиб борилди. Бу профессор-ўкитувчилари билан олий харбий таълим муассасаси кўмондонлиги томонидан тасдикланган махсус услубий ишларни олиб боришни талаб килди. Профессор-ўкитувчилари билан бир катор семинар ва амалий (махорат) дарслари ўтказилди. Экспериментал гурух билан ишлайдиган ўкитувчиларнинг фаолияти ишда такдим этилган курсантни ўкитишнинг тегишли боскичи компетенцияларининг таркибига асосланиб, келишилган иш режасига бўйсунган ва мувофиклаштирувчи назорат хамда тузатиш чоралари билан олиб борилди.

3-жадвал Курсантларнинг тажриба бошидаги билим даражаси

№	ОТМ лари	М лари Мезонлар чилар сони		Юқори		Ўрта		Паст		
	•	•	ТΓ	НΓ	ТΓ	НΓ	ТΓ	НΓ	ТΓ	ΗГ
	Ўзбекистон Республикаси	Назарий (информацион)	29	31	2	2	11	12	16	17
1.	олий ҳарбий авиация билим юрти	Амалий (операцион фаолиятли)	29	31	3	2	12	15	14	14
	Vymayyy Vyyyan	Назарий (информацион)	30	30	2	2	11	12	17	16
2.	Куролли Кучлар Академияси	Амалий (операцион фаолиятли)	30	30	3	2	14	16	13	12
	Чирчик олий танк кўмондонлик-	Назарий (информацион)	52	51	3	2	18	20	31	29
3.	мухандислик билим юрти	Амалий (операцион фаолиятли)	52	51	4	3	19	20	29	28
		Назарий (информацион)	111	112	7	6	40	44	64	62
	Жами	Амалий (операцион фаолиятли)	111	112	10	7	45	51	56	54

Экспериментнинг иккинчи қисми курсантнинг мотивацион-эҳтиёж соҳасидаги ўзгаришларнинг характери ва динамикасини баҳолашга тегишли эди. Биринчи навбатда бизни куйидаги мотивлар қизиктирди: 1) ватанпарварлик туйғуси, ватанни ҳимоя қилиш истаги; 2) билишга (билимга) интилиш, билишга қизиқиш; 3) масъулият ва бурч ҳисси; 4) етакчиликка интилиш (қисман ҳокимиятга интилиш билан мос келиши мумкин); 5) юқори лавозимга эришиш билан боғлиқ мартаба режалари; 6) ютуқлар ва ғалабаларга интилиш; 7) альтруизм одамларга ёрдам бериш, дунёни яхшироқ қилиш, одамларга фойда келтириш истаги сифатида; 8) алоқа (мулоқот) қилиш истаги; 9) хавф-хатарга бўлган қизиқиши; 10) прагматиклилиги; 11) шуҳратпарастлик, ҳокимиятга интилиш.

Назорат ва экспериментал гурухларда касбий компетенциянинг мотивацион таркибий қисмини ривожлантириш дастури бир хил булганлиги сабабли, мотивларнинг ўзгариб бориши (ҳаракати) ишлатилган намунанинг барча тўпламига нисбатан баҳоланди.

Тажриба синов ишларининг биринчи қисмида курсантларнинг касбий компетенцияларининг фанга оид-информацион ва операцион-фаолиятли ташкил этувчиларини аниқлашда баҳолашнинг юқори, ўрта ва паст даражалари асосида баҳоланган бўлса, тажриба синов ишларининг иккинчи қисмида курсантнинг

мотивацион-эҳтиёж соҳасидаги ўзгаришларнинг юз бериш ҳолати 5 баллик тизим орқали баҳоланди.

Тажрибанинг иккинчи қисмидаги курсантнинг мотивацион-эҳтиёж соҳасидаги ўзгаришларнинг характери ва динамикасини баҳолаш бўйича 3 та босқичда олинган натижалар билан кетма-кет таққосланди.

Ушбу олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларнинг назарийинформацион ва амалий-операцион фаолиятли мезонлари буйича тажриба бошида ва тажриба якунидаги натижалар олинди ва уларнинг курсаткичлари 3 ва 4-жадвалларида келтирилди.

4-жадвал Курсантларнинг тажриба якунидаги билим даражаси

№	ОТМ лари	Мезонлар	Қатна- шувчилар сони		Юқори		Ўрта		Паст	
			ТΓ	НΓ	ТΓ	НΓ	ТΓ	НΓ	ТΓ	НΓ
1	Ўзбекистон Республикаси	Назарий (информацион)	29	31	7	3	18	13	4	15
	олий ҳарбий авиация билим юрти	Амалий (операцион фаолиятли)	29	31	8	3	19	15	2	13
	Қуролли	Назарий (информацион)	30	30	8	3	18	14	4	13
2	Кучлар Академияси	Амалий (операцион фаолиятли)	30	30	8	3	20	15	2	12
3	Чирчиқ олий танк	Назарий (информацион)	52	51	12	3	31	21	9	27
	қўмондонлик -мухандислик билим юрти	Амалий (операцион фаолиятли)	52	51	13	4	32	22	7	25
		Назарий (информацион)	111	112	27	9	67	48	17	55
	Жами	Амалий (операцион фаолиятли)	111	112	29	10	71	52	11	50


Олинган натижаларни биз Стьюдент критерийсини қўллаган ҳолда математик статистика методлари ёрдамида қайта ишлаб таҳлил қилдик (5-жадвалга қаранг).

Тажриба гурухларида олиб борилган амалий машғулотлар назорат гурухларига нисбатан самарали эканлиги статистик усуллар орқали исботланди.

Бунда тадқиқот ишидаги самарадорлик кўрсаткичи ўртача 1,14 баробарга юқори экан (уларнинг кўрсаткичлари 3 расмда келтирилган).

5-жадвал Хисоблаш натижалари ва хулосаларини умумлашган кўриниши

Мезонл		Har	варий		Амалий				
Таълим муасс	ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим	Куролли Кучлар Академияси	Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти	Жами	ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим	Куролли Кучлар Академияси	Чирчик олий танк кўмондонлик-мухандислик билим юрти	Жами	
Ўртача	Тажриба гурухи	4,10	4,13	4,06	4,09	4,21	4,20	4,12	4,16
қиймат	Назорат гурухи	3,61	3,67	3,53	3,59	3,68	3,70	3,59	3,64
Самарадој коэффици		1,14	1,13	1,15	1,14	1,14	1,14	1,15	1,14
Танланма	Тажриба гурухи	0,37	0,38	0,40	0,39	0,30	0,29	0,37	0,33
Дисперсия	Назорат гурухи	0,43	0,42	0,37	0,40	0,41	0,41	0,40	0,41
Стандарт	Тажриба гурухи	0,61	0,62	0,63	0,62	0,55	0,54	0,61	0,58
хатолик	Назорат гурухи	0,66	0,65	0,61	0,63	0,64	0,64	0,63	0,64
Ўртача қийматлар	Тажриба гурухи	2,75	2,73	2,16	1,45	2,43	2,35	2,05	1,32
